

## Ливан Қуръон мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда



09:30 / 23.12.2021 1590

Ливандаги «Ал-Бар Ал Тақво» уюшмасига қарашли Қуръон мактаблари 15 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркек ва аёллар ўртасида «Резван» номли Қуръон мусобақасини ўтказди. Ушбу мусобақа ҳифз йўналишида бўлиб ўтади.

Қуръон мактаблари кетма-кет бешинчи мартаба Қуръон ҳифзи мусобақасини ташкил қилмоқда.

«Резван» деб номланган ушбу мусобақа Байрут жанубий шаҳаршунослари уюшмаси ҳомийлигида ўтказилади.

Ушбу мусобақада ҳолиб бўлганларга 50 миллион Ливан лираси мукофоти берилади.

Мусобақа 2022 йилнинг февраль ойида бўлиши режалаштирилмоқда.

Ушбу танловда фақат Ливан фуқаролари қатнашишлари мумкин.

Танлов Маданий ва исломий таълим ассоциацияси ҳамда Ливан Кафлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.